

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАЯРОВ ОТАБЕК ЭРКИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Аллаяров Отабек Эркинович

Ўзбекистон барқарор тараққиётини таъминлашда интернет
технологияларидан самарали фойдаланиш механизмлари.....3

Аллаяров Отабек Эркинович

Механизмы эффективного использования интернет-технологий в
обеспечении устойчивого развития Узбекистана.....23

Allayarov Otabek Erkinovich

Mechanisms for the effective use of Internet technologies in ensuring sustainable
development of Uzbekistan.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works46

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАЯРОВ ОТАБЕК ЭРКИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ss7 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ўтамуродов Акбар Ўтамуродович фалсафа фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	Журақулов Фурқат Норйигитович сиёсий фанлар доктори (DSc) Хасанов Бахтиёр Мадаминович сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг ижтимоий фанлар факультети, бош бино, 5-қават. Мажлислар хонаси, 511-хона). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871)246-02-24, e-mail: pauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-04

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Пахрутдинов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

О.Мусаев,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, ф.ф.д. (DSc)

Б.Тўйчиев,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замоनावий интернет коммуникация технологиялари одамларнинг нафақат хулқ-атвориға балки сиёсий онги ўзгаришиға жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун муайян сиёсий мақсадларни амалға оширишнинг асосий восита ва технологиялари айнан интернет технологияси имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалға оширилаётганлиги эътиборға молик. Бу жараёнда интернет технологияларининг хусусият ва имкониятлари, уларнинг барча дастур воситалари сиёсий технология талабларидан келиб чиқиб шакллантирилмоқда. Бу эса интернет технологияларининг оммавий ахборот воситалари ва сиёсий маслаҳат марказларига қараганда кўпроқ таъсир кўрсатиш имкониятиға эға эканлигини кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, интернет макондаги сиёсий жараёнларнинг барчаси воқеликдаги жараёнларнинг махсус дастурлар ва сиёсий технологик ечимларни қўллаган ҳолдаги имитацияси ҳисобланади. Айни шу маънода, интернет нафақат сиёсий коммуникация воситаси балки шахснинг сиёсий онгини яна юксалтириши учун кенг имконият берадиган тизимдир десак янглишмаган бўламиз.

Жаҳонда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ҳамда глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда интернет технологияларидан фойдаланиш йўналишидаги тадқиқотларни ривожлантиришға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмаларни “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак”¹ деди. Сиёсий жараёнлар ва институтлар нуқтаи-назардан интернет тармоғини яратиш эҳтиёжи, турли сиёсий тадқиқот марказлари ишини мувофиқлаштириш, давлатлар ўртасида ўзаро сиёсий ахборотлар алмашиш, ўзаро мустаҳкам алоқаға эға бўлиш учун ишончли ва мукамал ишлайдиган бир тизим кераклиги билан боғлиқ. Дарҳақиқат айнан ривожланаётган давлатларда миллий ахборот тизимларини шакллантириш, ахборотлаштириш соҳасини тартибға солиш, ахборот ресурсларидан, яъни компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, интернет хизматларини ривожлантириш, замонавийлаштириш, уларни дунё стандартлари даражасига етказиш ҳамда шу асосда жамиятни ахборотлаштиришға интилиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланмоқда.

Шу билан бирға, Ўзбекистоннинг дунё сиёсий майдони айниқса, минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида кечаётган жараёнлардаги дадил хатти-ҳаракатлари, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатининг фаоллашувига олиб келмоқда. Айниқса, бугунги кунда жамият ҳаётиға “Илғор технологияларнинг фаол жорий қилинаётгани ва глобал ахборот-коммуникация макони тараққий этаётгани барча жараёнларни жадал ва тез ўзгартирмоқда,

¹ Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисиға Мурожаатномаси. - Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2019. - 88 б.

қитъалар, минтақалар, давлатлар ва бизнес даражасидаги ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантиришга хизмат қилмоқда”². Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони асосида “Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун” деган тамойил ва “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлашдаги давлат сиёсатининг самарадорлигини таъминлашда интернет технологияларининг потенциал имкониятларидан фойдаланиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. 2019-2021 йилларда халқаро Интернет ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантириш комплекс дастури тасдиқланиши эътиборга молик. Мазкур дастурда миллий контент ва IT-стартлар ривожланишини қўллаб-қувватлаш давлат фондиди ташкил қилиш, блогерлик фаолиятини тартибга солиш ва бошқарув механизмини такомиллаштириш, миллий блогерлар клубини яратиш, зарур ва долзарб ахборотни тайёрлаш бўйича тизимли ишни ташкил қилиш, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш устувор вазифа қилиб белгиланди³.

Бугунги кунда интернет оддий макон чегаралари ва замон чекланишларидан ташқарида мулоқот қилишга имкон берувчи янги технология эмас. Бу яна янги ахборот макони кўпчилик учун ҳақиқий яшаш муҳитидир. XX аср охири, XXI аср бошларига хос бўлган техноген цивилизация, постиндустриал ва ахборотлашган жамиятда глобаллашув жараёнинг ички зиддиятлари кескинлашиб, бир томондан, компьютер ва Интернетдан, уяли алоқа воситаларидан кенг фойдаланиш умуминсоний кадриятларнинг оммалашуви, универсаллашуви кучайтирмоқда. Иккинчи томондан, тарихий маънавий кадриятлар “девальвациялашиб” ижтимоий бегоналашуви, айрим миллатларнинг этноэгоцентризм кайфиятига асосланиб дунёда гегемонликка интилиши, “оммавий маданият” эскалацияси жадаллашуви билан характерланади. 2016 йилги БМТдаги маърузасида Франк Ла Рю “интернет бошқа бир қатор ҳуқуқларни рўёбга чиқаришнинг энг муҳим воситасига айланди”⁴, деб таъкидлаган эди. Бироқ кўпчилик бу фикрга кўшилмади. Чунончи, ўз вақтида интернетни яратиш лойиҳаси бўйича иш олиб борган ва бугунги кунда “интернетнинг отаси” деган улуғ номга эга Винтон Церф ҳам бу таклифга қарши чиқиб, “интернетдан фойдаланиш бу инсон ҳуқуқи эмас”⁵, деб ёзади The New York Times газетасида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, шунингдек, ҳар бир давлат органида ташкил этилган

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 октябрдаги МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. <http://press-service.uz/ru/lists/view/1132>

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон

⁴ "Frank La Rue to lead UNESCO's Communication and Information Sector | United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization". www.unesco.org. Retrieved 2016-12-12.

⁵ <https://lenta.ru/articles/2008/08/18/cerf/>

фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича махсус бўлинмалар аҳоли билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги самарали тизимини шакллантиришга хизмат қилаётганлиги эътиборга молик. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан интернет тизими давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қилинган ишларни танқидий таҳлил қилиш, республиканинг турли ҳудудларида аҳоли фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган ислохотлар мазмунини тушунтиришда ҳам устувор аҳамият касб этади. Зеро давлат идоралари, фуқаролик институтлари, жамоат ташкилотларининг аҳоли, айниқса, ёшлар билан мунтазам мулоқотда бўлишларига эришиш, интернет тармоғини миллий кадрият ва анъаналаримизни ўзида акс эттирувчи веб-сайтлар билан бойитиш, таълим муассасаларини интернет тармоғига улашда одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ бўлмаган веб-сайтлардан фойдаланишга чекловларни жорий этиш, ёшларда ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш зарур.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти таъкидлаб ўтганидек “Бугунги шароитда, Интернет ва электроника даврида иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, “Электрон ҳукумат” тизими фаолиятини янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эгадир”⁶. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарларидаги⁷ мамлакатда интернет технологияларини давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва кундалик ҳаётга изчил жорий этиш бўйича кенг кўламли ислохотларни олиб бориш борасидаги ғоялари мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилса, соҳага оид қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари, қарорлари ва бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатлар тадқиқотнинг услубий базаси бўлиб хизмат қилади.

Интернет технологияларининг сиёсий мазмун-моҳияти, яхлит-мазмунли, ахборот олиш, сиёсий коммуникатив, ижтимоий-маданий, ўқув-билиш, концептуал, инструментал, мослашувчанлик жиҳатларини Ғарб олимлари Д.Белл, Кимберли Янг, К. Дойч, Д.Истон, Г.Алмонд, Дж. Коулман, Л. Пай, У.Шрамм, Т. Адорно, Г. Маркузе, Ю.Хабермас, М.Хоркхаймер, Г.Шиллер,

⁶ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” мавзусидаги маърузаси. – Т. 16 январь 2016 йил.

⁷ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз.- Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.; Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 591 б.

Кастельс, М. Маклюэн, Е.Масуда, Э.Тоффлер, А.Урсул, Н.Моисеев⁸ лар томонидан олиб борилган.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янги сиёсий тизимини шакллантиришдаги ўзига хос жиҳатлар, сиёсий институтлар фаолиятини эркинлаштириш, улар фаолиятини номарказлаштиришда интернет тизимининг аҳамияти Г.Л. Акопов, М.С. Вершинин, Ю.В. Ирхин, Е.Ю. Кононова, М.М. Лукина, Т.В. Меркулова, Ю.А. Нисневич, М.Ю.Павлютенкова, А.А. Горелов, Т.А. Горелова, И.М. Ильинский, А.В. Костина, В.А. Луков, Вл.А. Лукова, В.М. Межуев, А.Я. Флиер, Г.П. Хориной ва бошқа олимлар томонидан ёритилган⁹.

Ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви ва давлат хизматлари кўрсатишнинг барча соҳаларига жорий этиш, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ахборот хизматларини илгари суриш, «электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш ва амалга оширишнинг самарали механизмларини яратишга оид фалсафий тадқиқотлар О.Ф.Файзуллаев, М.Н.Абдуллаева, Р.М.Имомалиева, К.Ж.Туленова, З.Д.Давронов, Э.М.Иззетова, Ш.С.Кушаков, М.А.Усмонова, М.Ёкубова, Г.Ғаффорова ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган¹⁰.

Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш концепциясининг шаклланиши, илғор мамлакатларнинг интернет технологияларни ривожлантириш борасидаги тажрибаси, миллий анъаналар ва миллий ўзига хослик асосида мамлакатимиз ахборот тизимини такомиллаштиришга доир ислохотлар жараёнларининг турли йўналишлари Ш.Пахрутдинов, М.Бекмуродов, Н.Жўраев, М.Қурононов, Т.Алимардонов, А.Муминов, Ф.Муминов, Р.Самаров, С.Отамуродов, В.Қўчқоров, Б.А.Бегалов, Т.Жўраев, Р.Джумаев ва бошқа шу каби олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилган¹¹.

Мазкур тадқиқотчилар Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида интернет технологиялари аҳамиятининг айрим жиҳатларини очиб берган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг “Демократик давлат қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг сиёсий-ҳуқуқий асослари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон барқарор тараққиётини таъминлашда интернет технологияларидан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий-концептуал хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

⁸Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

⁹Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

¹⁰Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

¹¹Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

интернет тармоғи генезиси, сиёсий моҳияти ва хусусияти, шунингдек, унинг объектлари, субъектлари ва сиёсий мазмуни тавсифини ишлаб чиқиш;

интернетнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида самарали ривожлантиришнинг институционал ва инструментал механизмларини очиб бериш;

давлат ва жамият муносабатларида интернет технологияларини ривожлантиришнинг сиёсий-ҳуқуқий мақомини аниқлаш;

миллий ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда замонавий жамиятда интернетнинг сиёсий коммуникация сифатидаги имкониятларидан фойдаланишнинг аҳамиятига оид қарашларни қиёсий тадқиқ этиш;

ҳозирги даврда ёшларнинг сиёсий профессионал адаптациясини таъминлашда интернет имкониятларидан фойдаланиш заруратини илмий нуқтаи-назардан таҳлил қилиш;

фан ва техникани ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини мустаҳкамлашда интернет технологияларининг ўрнини ёритиш;

интернет технологияларини ривожлантиришдаги давлат сиёсатининг концептуал мазмуни ва стратегик йўналишлари, унинг давлат суверенитети ва миллий хавфсизлигини таъминлашдаги потенциал имкониятларини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

Ўзбекистонда миллий интернет-медиа сиёсатини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш механизмларини ривожлантириш муаммо ҳамда вазифалари доирасида илмий-амалий хулосалар, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон барқарор тараққиётини таъминлашда интернет технологияларидан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш зарурати, бу борада амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети. Ўзбекистон барқарор тараққиётини таъминлашда интернет технологияларини такомиллаштиришга доир концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва сиёсий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда, тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, контент таҳлил, қиёсий таҳлил, моделлаштириш, прогнозлаш каби усуллар, ҳамда тизимли, функционал, институционал ёндашувлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мамлакатимизда сиёсий интернет идентификацияси концепциясини яратиш таклиф қилиниб, унда сиёсий жараёнларнинг асосий иштирокчилари ҳисобланган давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг (давлат+ННТ, давлат+ижтимоий тармоқлар каби) сиёсий механизмлари очиб берилган;

жаҳон сиёсий тизимида глобал тармоқнинг шахслар ёки гуруҳлар эътиборини глобал муаммоларга жалб этишда сиёсий коммуникацион ва сиёсий технологик имкониятларга эгаллиги, шу билан бирга, унинг жамиятда тартибсизлик, сиёсий беқарорлик, сепаратизм, “рангли инқилоблар” кабиларни келтириб чиқарувчи вайронкор омил эканлиги асосланган;

шахс ёки гуруҳнинг ўз манфаатларидан келиб чиқиб интернетнинг салбий (бузғунчи ғоя, беҳаё фильмлар, расмлар, суицидга етакловчи ўйинлар, жавобгарлиги йўқ фикрлар каби) ахборотларни тарқатиш ҳолатларига чек қўйишда on-line ва off-line мулоқот, ўзаро тажриба алмашиш, мотивацион, когнитив ва фаолиятли-рефлексив, форумлар, таълимий платформа, интеллектуал карта, веб квест тизимидан фойдаланишни ташкил этиш ижтимоий зарурат эканлиги очиб берилган;

интернетнинг аҳоли хусусан ёшларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлардан, кундалик воқеа ҳодисалардан хабардорлигини ошириш ҳамда тезкор ахборот манбаларидан олинаётган маълумотларга нисбатан мустақил дунёқараши ва фуқаролик позициясини кучайтиришдаги роли илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

интернет феноменининг сиёсий хусусиятлари тизимлаштирилиб, сиёсий фанлар доирасида янги илмий тушунча ва парадигмалар ишлаб чиқилган, ижтимоий-сиёсий ҳаётни тадқиқ этишда улардан самарали фойдаланиш механизмлари очиб берилган;

замонавий илмий-назарий ёндашувлар асосида сиёсий ҳаёт барқарорлигини таъминлашда интернет ва бошқа ижтимоий тармоқларни янада ривожлантириш ҳамда уларнинг самарадорлигини аниқловчи мониторинг тадбирларини ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Ушбу натижалардан Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партиялар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ОАВ, ҳамда ахборот тарқатиш учун масъул муассаса ва ташкилотлар фаолиятида назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатига кирган махсус ва хорижий мамлакатлар журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг илмий аҳамияти Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида интернет технологияларини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар, унинг илмий асосда бўлишини таъминлашга хизмат қилишида, амалий аҳамияти эса давлат ва фуқаролик жамияти институтлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, фуқаролик жамиятининг нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ислохотлар жараёнида сиёсий иштироки самарадорлигини

ошириш, аҳоли, фуқаро ахборот олиш ва сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қилишида кўринади.

Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалардан 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган назарий ва амалий вазифаларни бажаришда, фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган ислохотлар ва олиб борилаётган ишларни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, диссертация мавзуси билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этишда, Олий таълим тизимида фуқаролик жамияти ва давлат бошқаруви шаклларида оид мавзуларни ўқитиш жараёнларида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органилари томонидан сиёсий ва маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда илмий манбалардан бири сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

мамлакатимизда сиёсий интернет идентификацияси концепциясини яратиш таклиф қилиниб, унда сиёсий жараёнларнинг асосий иштирокчилари ҳисобланган давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг (давлат+ННТ, давлат+ижтимоий тармоқлар каби) сиёсий механизмлари билан боғлиқ таклиф ва хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат маркази режасининг V.Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” йўналиши,7-банди(Ахборот ресурслари орқали тарқатилаётган бузғунчи ғояларнинг олдини олишга қаратилган буклетлар, рисолалар, слайд ва маъруза матнлари тайёрлаш ва ҳудудларга етказиш)ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 24 августдаги 01/010-940-18 сонли маълумотномаси). Мазкур хулоса ва таклифлар Марказнинг ушбу йўналишлардаги фаолиятини ривожланишига катта ҳисса қўшган.

жаҳон сиёсий тизимида глобал тармоқнинг шахслар ёки гуруҳлар эътиборини глобал муаммоларга жалб этишда сиёсий коммуникацион ва сиёсий технологик имкониятларга эгаллиги, шу билан бирга унинг жамиятда тартибсизлик, сиёсий беқарорлик, сепаратизм, “рангли инқилоблар” кабиларни келтириб чиқарувчи вайронкор омил эканлигига оид хулоса ва тавсияларидан фойдаланилган (Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги “Электрон ҳукумат маркази”нинг 2018 йил 6 сентябрдаги 4600/ 24-01 сонли маълумотномаси). Натижада электрон ҳукуматнинг шакллантирилган асосий тамойиллари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш қоидаи ва мазкур соҳада электрон давлат хизматларига талаблар, АКТ кенг қўлланиши ҳисобига фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш ва давлат хизматлари фаолият натижалари тугрисида ахборот олишда оперативлик ва қулайликни таъминлашга доир назарий хулосалар бойитилган ва “Электрон ҳукумат” ўқув марказида ўқитиладиган фанларнинг назарий бойитилиши ва ўқувсамарадорлигининг ортишига олиб келган.

шахс ёки гуруҳнинг ўз манфаатларидан келиб чиқиб, интернетнинг салбий (бузғунчи ғоя, беҳаё фильмлар, расмлар, суицидга етакловчи ўйинлар,

жавобгарлиги йўқ фикрлар каби) ахборотларни тарқатиш ҳолатларига чек қўйишда on-line ва off-line мулоқот, ўзаро тажриба алмашиш, мотивацион, когнитив ва фаолиятли-рефлексив, форумлар, таълимий платформа, интеллектуал карта, веб квест тизимидан фойдаланишни ташкил этиш ижтимоий зарурат эканлиги борасидаги хулосалардан “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан жамоатчилик фикрини ўрганишда, шунингдек, ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш, миллий манфаатларимиз ва қадриятларимизга ҳурматни кучайтириш, ёшларда миллий доменимиздаги сайтлар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш, мустақил фикр юритиш кўникмасини шакллантириш, холис ва нохолис ахборотларни бир-биридан фарқлаш, зарарли маълумотларга қарши иммунитетни кучайтиришнинг ижтимоий сўровномаларида фойдаланилган (“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2018 йил 25 октябрдаги 01-16/ 340 сонли маълумотномаси). Натижада интернетнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли, интернетдаги ғоявий-сиёсий кураш жараёнларига нисбатан ёшларнинг муносабати, ёшларнинг ижтимоий ва халқаро ҳаётни англашдаги интернетнинг аҳамияти, оммавий онгни шакллантиришда интернет технологияларининг ўрнига доир социологик тадқиқотлар саволномаларини тузишда, тадқиқотлар режаларини ишлаб чиқиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

интернетнинг аҳоли, хусусан, ёшларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлардан, кундалик воқеа ҳодисалардан ҳабардорлигини ошириш ҳамда тезкор ахборот манбаларидан олинаётган маълумотларга нисбатан мустақил дунёқараши ва фуқаролик позициясини кучайтиришдаги ролига оид таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар режасининг V. Дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш бўйича чора-тадбирлар” йўналиши 42-Интернет майдонида ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали курашишни таъминлаш мақсадида Марказ ва ҳудудий бўлинмалар, таълим муассасаларининг маънавий-маърифий масалалар бўйича масъул ходимлари иштирокида “Интернет майдонидаги маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашишнинг усуллари” мавзусида туркум ҳудудий ва масофавий семинар-тренинглар ташкил этиш” бандларида белгиланган вазифаларни ижро этишда, шунингдек, ПЗ-20170930369 шрифли “Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашишнинг замонавий механизм ва технологияларини яратиш” грант лойиҳаси бажарилишида кенг фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 24 августдаги 01/010-940-18 сонли маълумотномаси). Мазкур хулоса ва таклифлар

Марказнинг ушбу йўналишлардаги фаолиятларининг самарадорлигини янада оширишга катта ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та ҳалқаро, 12 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола (улардан 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, 135 саҳифали матн, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Интернетни сиёсий муносабатлар тизимида ўрганишнинг назарий-методологик масалалари”** деб номланган. Ушбу бобда интернет тушунчасининг сиёсий мазмуни ва замонавий ёндашувлар, уларни ривожлантириш борасидаги илмий-концептуал қарашлар, интернетнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида самарали ривожланиш омиллари ҳамда Ўзбекистонда интернет технологияларини ривожлантиришнинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми илмий нуқтаи-назардан очиб берилган.

Бугунги кунда интернет хизматлари ва ахборот технологиялари улкан сиёсий бошқарув тизими шаклланишига олиб келмоқда. Зеро, айнан интернет технологиялари сиёсий институт ва жараёнлар трансформацияси ва модернизациясига асос бўлади, давлат хизматларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Замонавий интернет-коммуникация технологияларининг давлат бошқарувида амалда жорий этилишининг асосий мақсади ва кутилаётган натижасикенг кўламда давлат бошқарувининг принципиал жиҳатдан янгисифатга ўтганлиги ҳисобланади. Бу янги сифатга ўтиш аслида илмий адабиётларда e-Governance деб аталади. Энг асосийси тизимдаги очиқлик, шаффоқлик, тезлик, самарадорлик ҳукуматга ҳалқ ишончининг ортишига асос бўлади.

Мамлакат сиёсий саҳнасида соғлом рақобатни таъминлаш, Олий Мажлис палаталарининг ахборот-таҳлилий фаолиятини такомиллаштириш, қонунчилик ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, «Mening fikrim» махсус веб-

портали орқали Олий Мажлис палаталарига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига электрон жамоавий мурожаат қилиш тартибини жорий этиш, фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхати ахборот тизимини такомиллаштириш ва «Электрон ҳукумат» тизими доирасида бутун республика бўйича жорий этиш мақсадида интернет технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Интернет-коммуникацияларнинг сиёсатдаги ўрни борасида Ғарб назарий-сиёсий маконида 1990 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўплаб илмий-методологик ишлар амалга оширилган, бироқ фуқароларнинг қарор қабул қилишида интернет – воситаланган шакллариининг таъсири масаласи тадқиқ этилмаган. Шунингдек, ҳозирга қадар сиёсатга таъсир қилиш имконини берувчи фуқароларнинг интернет-иштироки, шарт-шароити, омиллари ва бундай таъсир ўтқазининг самарадорлиги масаласи очиклигича қолмоқда. Чунки бугунги кунда интернет хизматлари ва ахборот технологиялари улкан бошқарувчилик потенциалига эга, давлат хизматларини янада юқори тезликда ва сифатда таъминланиши гаровидир, энг асосийси бунда шаффофлик, яъни ким ҳукуматга халқ ишончининг ортишига сабаб бўлади.

“Интернет коммуникациялар”, “Электрон ҳукумат”, “Электрон демократия”, “электрон давлат”, “электрон фуқаро” тушунчалари маъно-мазмунини ва ўзаро алоқадорлиги масаласида кўплаб баҳс мунозарали томонлар мавжуд. Шунингдек, глобал тармоқ тизимида ишлатиладиган “виртуал”, “электрон”, “рақамли” ва “интернет” категорияларини фарқлай олиш керак. “Виртуаллик” сиёсий ҳодиса ва жараёнларнинг тасаввур ёки имитация қилинаётган характерини компьютер тизимлари орқали қабул қилинишига айтилади. Мазкур тушунча кенг қамровли бўлиб у қолган деярли барча истилоҳларни ўз ичига олади. Чунки интернет-макондаги сиёсий жараёнларнинг барчаси воқеъликдаги жараёнларнинг махсус дастурлар ва технологик ечимларни қўллаган ҳолдаги имитацияси ҳисобланади. Интернет нафақат коммуникатив балки шахснинг ижодий ўз-ўзини намоён этиш учун ҳам (манба ва маълумотларнинг улкан тоифасига кира олиш, шахсий назарий ёки бадиий фаолият махсулотларини бир лаҳзада ва ўта кенг тақдимот қилиш, ҳам жанрли, мазмунли ва индивидуал Web-саҳифалар ва ҳ.к. лар имкониятлари) кенг имкониятларни очади.

Халқаро миқёсда ижтимоий тармоқлар ва интернет сиёсий кураш субъектларининг самарали қуролига айланган. Сиёсий муҳитни беқарорлаштириш учун манипуляция мониторинги осон амалга оширилади, у барча қулайликлар ва имтиёзларга эга. Кузатув объекти ҳақида маълумот келиши, динамикаси, юқори даражада ахборот ишончилиги таъминланиши ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу нуқтаи-назардан қараганда, бугунги кунда ахборотлашган жамият техник базасини яратишнинг бош тамойили интернет-глобал ахборотлашган инфратузилмасини ривожлантиришдир. Жамият ушбу янги ҳолатининг зарурий шарт ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини

компьютерлаштиришдан иборатдир. Шу аснода унинг муҳим томони сиёсий технологиялардан фойдаланувчи, шу билан биргаликда янги сиёсий бошқарув тизимини ривожлантирувчи кишилар ташкил этмоқда.

Ҳозирги вақтда ҳар қандай давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, геосиёсий мақеи, замонавий компьютер технологияларининг ривожланиш даражаси, жумладан, телекоммуникация тизими ва тармоқлари, дунё ахборот маконига кириш усул ва имкониятлари билан белгиланади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, интернет-коммуникациялар давлат томонидан қабул қилинаётган сиёсий қарор ва муаммолар ечимига таъсир қилиш имконини беради. Чунки улар субъектли таркиб, алоқалар ва муносабатларни ўзгартириб, янгича таъсир қилиш ресурсларини ҳосил қилади. Бундан ташқари ҳужжатлар айланишини, қабул қилинган қарорларни тасдиқлаш ва мувофиқлаштиришни, ташкилотлараро ўзаро муносабатларни яхшилашга хизмат қилиб, тузилма элементларининг демократик трансформациясини, сиёсий жараёнлар динамикасини, фуқаролар таъсир қилиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Бошқа томондан интернет муҳолифат кучлар учун ҳам кенг имкониятлар макони ҳисобланади. Бундан ташқари, интернет-технологияларнинг юқори даражадаги манипуляция потенциали йирик сиёсий акторлар томонидан нафақат давлат бошқарувини амалга оширишда, балки миллий сиёсий режимлар дестабилизацияси ва алмаштириш бўйича лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистонда интернет технологияларининг сиёсий институционал тизимини ривожлантириш механизмлари”** деб номланган бўлиб, унда интернет – оммавий сиёсий коммуникация воситаси эканлиги, ҳозирги даврда ёшларнинг сиёсий профессионал адаптациясини таъминлашда интернет технологияларидан фойдаланиш зарурати ҳамда фан ва техникани ривожлантириш борасида давлат сиёсатини мустаҳкамлашда интернет технологияларининг ўрни ёритилган.

Демократик давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамияти барпо этишда аҳолининг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш, бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан мустақилликнинг илк йиллариданоқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлигини, уларнинг фуқаролар билан интерактив фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, аҳоли ўртасида интернетдан фойдаланувчилар сонининг муттасил ўсиб бораётгани, замонавий технологияларнинг оммалашаётгани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда қўл келмоқда. Бугунги глобаллашган ахборот макони шароитида фуқароларни тўлиқ, холис ва тўғри ахборот билан таъминлашнинг аҳамияти бениҳоя катта.

Геосиёсат ҳар доим давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғланади, чунки геосиёсий жараёнлар геосиёсий субъектлар ўртасидаги у ёки бу маконга таъсир ўтказиш бўйича курашлар натижасида вужудга келади. Бу курашлар оқибатида баъзи субъектлар устуворликка эга бўлади, бошқалари эса

уни йўқотади, бу улар хавфсизлигининг ҳолатида акс этади. Интернетнинг оммавий сиёсий коммуникация воситаси сифатида ўрганиш зарурати қуйидаги омилларга боғлиқ: замонавий жамиятда фаол амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришлар босқичида халқаро, минтақавий, миллий даражада интернет технологияларидан самарали фойдаланиш эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда, интернетдаги сиёсий мулоқот виртуал соҳадаги ижтимоий ва сиёсий ўзаро таъсирларнинг барчасини ўз ичига қамраб олади. Сиёсий ахборотларни тарқатувчи доменлар тобора кўпайиб бормоқда. Бу жараёнда ҳақиқий майдон онлайн-майдонга (виртуал майдонга), сиёсий алоқа тармоғининг талаб ва принципларига мослашмоқда, интернет сиёсий мулоқот шакли сифатида турли давлатлардаги ижтимоий-сиёсий ислохотларни атрофлича таҳлил қилишга имкон беради сиёсий босим ва бошқарув жараёнида амалиётнинг энг яхши усуллари аниқлашга хизмат қилади. Ҳозирги даврда ёшларнинг сиёсий профессионал адаптациясини таъминлашда интернет технологиялардан фойдаланиш зарурати фан ва техникани ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини мустаҳкамлашда унинг ўрни атрофлича таҳлил қилинган.

Жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди, шу маънода дунёнинг барча мамлакатларида илм-фанга алоҳида эътибор қаратилади. Шуниси эътиборлики, илм-фан ижтимоий асосларда ёки давлат таркибий тузилмаларида амалга оширилмасда, у давлат аҳамиятига эга бўлади. Ўтмишда ҳам олимлар, ижод аҳли фаолияти давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланган. Бизнинг замонимизга келиб, у аксарият давлатларда халқ хўжалигининг ажралмас соҳасига айланган, у давлат томонидан маблағ билан таъминланади ҳамда унинг ижроси назорат қилинади. Маълумки, илм-фан чуқур тадқиқотлар ва унга эришиш методларини қамраб олувчи фаолият тури бўлиб, турли ғоялар, концепциялар, назарияларни очишга қаратилган билимлар мажмуаси, алоҳида олимлар ҳамда олимлар уюшмаси ва ташкилотлари томонидан олиб бориладиган машаққатли фаолиятидир. Илм-фан инсон ва унинг тафаккури, табиат, техника, ҳайвонот оламининг қонуниятларини қамраб олади. Энг муҳими, у инсонга хизмат қилади. Авваламбор шуни таъкидлаш жоизки, фан ва техника соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар суръатининг кескин ўсиши илмий фаолият жараёнини ташкил қилиш шакллариининг ўзгаришига олиб келмоқда. Шу маънода, фан халқаро глобализация шароитида ижтимоий бошқарув институтига айланиб бормоқда дейиш мумкин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва 2017 йил 1 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 3365-сонли “Илмий тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарорида ҳам илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалалари қамраб олинган. Ривожланган мамлакатлар тажрибасини кузатадиган бўлсак, уларда илм-фанни

юксалтиришга жиддий эътибор қаратилади. Давлат томонидан катта маблағлар ажратилади. Мамлакатнинг истикболдаги ривожланиши илм-фан ютуқлари асосида белгилаб олинади. Илмий изланишлар ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг реал муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилиб, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграция таъминланса, илмий-технологик ишланмаларни амалиётга жорий этиш бўйича катта натижаларга эришилади. Қарорда бу масалага алоҳида эътибор берилган. Хусусан, илмий-тадқиқот инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Фанлар академияси таркибида бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ташкил қилиниб, қатор муассасалар академия тасарруфига қайтарилган. Буларнинг барчаси Фанлар академияси томонидан кенг қўламли фундаментал тадқиқотлар олиб борилишини таъминлаш, турли фан тармоқлари бўйича мавжуд илмий салоҳиятни бирлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг долзарб муаммоларини бартараф этиш имкониятини беради.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, дунёдаги сўнгги илмий-техник ютуқлар ҳақида замонавий зарур тезкор ахборотларнинг йўқлиги натижасида фан ва кўп илм талаб қилувчи технологияларни ривожлантиришда орқада қолишга олиб келади ва ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади. Паст даражадаги ахборотлар алоқалари мамлакатларнинг савдо ва ташқи иқтисодий муносабатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Интернетда мамлакатнинг маданий, тарихий, миллий, адабий, бадиий ва бошқа бойликлари ҳақида ишонарли маълумотларнинг бўлмаслиги ташқи дунёдан «маданий яққаланишга» олиб келади. Ҳар қандай давлат бюджет даромадининг қимматли бандини ахборот-интеллектуал (маҳсулот сотиш ва хизматлар) соҳасини йўқотиш мумкин.

Ҳозирги давр замонавий глобализация жараёнларида ахборот жамиятнинг стратегик ресурсига айланмоқда. Инсон тафаккуридаги плюралистик фикрларни ўзида тўлақонли ифодаловчи ягона тармоқ бўлган интернетда кишиларнинг олдинга интилиши, илгарилаш, дунёвий хабардорлигини кенгайтирувчи фаолият бўлиши билан бирга, бир томондан, ахборотлашувнинг имманент ҳолда ривожланиши иккинчи томондан, жамиятни модернизациялаштириш оқибатлари ҳали нима билан тугаши номаълум бўлгани боис, баъзи бир салбий натижаларни келтириб чиқариш хавфи аён бўлмоқда. Бундай ҳолларда илмий билиш жараёни катта ахборот уюмидан муҳим ахборотни танлаб олиш, уни англаб етиш, самарали фаолият олиб бориш мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш, берилган маълумотлардан фойдали умумлаштиришлар қилиш, ўрганилган билимлар мажмуини тартибга келтириш имконини беради.

Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ 2017 йил 29

ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 5264-сонли “Ўзбекистон республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори асосида “Инновацион ривожланиш вазирлиги” ташкил этилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биз ахборот жамияти барпо этаётган эканмиз,бу борадаги ҳам сиёсий, ҳам илмий-техникавий,ҳам маънавий-маърифий, ҳам иқтисодий муаммоларни бирма-бир бартараф этиш йўлидан боришимизга тўғри келади. Бу муаммоларни муҳим-номуҳимга ажратиб бўлмайди. Чунки улар бир-бирлари билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Диссертациянинг учинчи боби **“Давлат бошқарувини демократлаштириш ва модернизациялашда интернет технологияларидан фойдаланиш стратегияси”** деб номланган. Унда Ўзбекистонда интернет технологияларини ривожлантиришдаги давлат сиёсатининг концептуал мазмуни ва стратегик йўналишларини аниқлашга доир муҳим шарт-шароитлар, интернет технологияларининг давлат суверенитети ва миллий хавфсизлигини таъминлашдаги потенциал имкониятлари ҳамда мамлакатимизда миллий интернет-медиа сиёсатини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш механизмлари таҳлил қилинган.

2018 йил республикаимизда Интернет фойдаланувчиларининг умумий сони 20 млн. кишидан ортди, аҳоли пунктларининг 93 фоизи мобил алоқа билан қамраб олинган, абонентлар сони 21 миллиондан ошди.Халқаро ахборот тармоқларига уланиш тезлиги сониясига 35 гигабитни ташкил этмоқда. Шунингдек, магистрал телекоммуникация тармоғи халқаро ва туманлар даражасида 10, вилоятлар даражасида 4 маротаба кенгайтирилди. Рақамли радиорелели ва оптик толали алоқа линиялари узунлиги 23,4 минг километрни ташкил этмоқда¹². Шу нуқтаи назардан қараганда, интернет бугунга келиб оммавий маданият элементи, глобаллашув тарафдорларининг баҳс талаб қилмайдиган аргументи, ахборот жамияти тимсоли, мутлак эркинликни амалга ошириш макони, шунингдек, сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳаётдаги воқеалар ҳақида фикр алмашиш майдони бўлиб қолди. Шу боис ҳокимият органлари сайтларининг коммуникатив функционалиги электрон ҳукумат тизимига мослашмоқда. Сиёсий партиялар интернетга ОАВ нинг шунчаки бир тури сифатида қарашдан воз кечмоқда. ННТ лар эса ижтимоий--сиёсий фаолиятда интернет нимага керак эканлигини ниҳоят англаб етмоқда. Ўз навбатида интернет-технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ҳукумат фаолиятининг – муайян давлат қарорлари шаклида – қонунлар, қарорлар, фармойишлар, йўриқномалар ва ҳоказолар шаклида оммавий сиёсатни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилишнинг узлуксиз тизимини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

